



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азиев маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳисобидан юқори иқтисодий суръатларни таъминлаш вазифасини назарда тутди.

Мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 8 сентябрдаги қўшма йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президент вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида 2016 йил учун иқтисодий дас-турнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўйилган амалий чора-тадбирлар макроеқтисодий кўрсаткичларга мувофақиятли эришишни, жорий йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Тақдим этилган лойиҳалар макроеқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишга, давлат қарзининг асосий ўсишига йўл қўймасликка, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада юксалтириш таъминлашга, чуқур таркибий ўзгаришларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини юритишга, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг даромад базасини кўпайтириш ва маҳаллий бюджет харажатларини ҳаққонлаштириб, субвенция олувчи ҳудудларни камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, келгуси йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси солиқ юқини янада камайтириш, солиқ тизимини содда-лаштириш ва солиқ маъмуричилигини яхшилаш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини янада оширишни, бюджет маблағларини самарали режалаштиришга, улардан фойдаланишнинг натижалорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Депутатлар келгуси йил учун шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроеқтисодий

кўрсаткичлар бўлган яппи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар.

Парламент аъзоларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан олинган батафсил ахборотдан сўнг мамлакатимизнинг 2017 йилги Давлат бюджетини лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дас-турлари ўз вақтида ва тўлиқ молия-лаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

— Ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларининг улуши оширилиши бизнинг эътиборимиздаги асосий масала, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ш.Турсунбоев**. — Келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг изчил давом эттирилиши аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилди. Ундан ташқари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув юкламаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар, таълим муас-сасаларида педагогик иш юкламасининг камайтириш ҳисобига амалга оширилган қўйиш жараёни самарасини таъминлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига имкон яратди.

Давлат бюджетининг умумий хара-жатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда қўйилган 59,5 фоиздан 2017 йилда 59,7 фоизга ошириш кўзда тутилмоқ-да. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган чўқур ўйланган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.
(Материал қисқартirilган ҳолда берилмоқда)

САЙЛОВ — 2016

НОМЗОДЛАРГА ТЕНГ ИМКОНияТЛАР БЕРИЛАДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 йил 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Маджидович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

номзодлар этиб рўйхатга олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мамлакатда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу кўннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

Қарши шаҳридаги 18-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ — АСОСИЙ ТАЛАБ

13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси аъзолари ва экспертлари, вилоят адлия, фавқулодда вазиятлар, ички ишлар бошқармалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини вилоят ҳудудий бўлини масъул ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, участка сайлов комиссиялари раислари, котиблари, журналистлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 884 сайлов участкаси тuzилиб, шахсий таркиби тасдиқланди, — дейди 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси И.Жўраев. — Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда участка сайлов

комиссияларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда «Ўзбекистонда яратилган миллий сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари», «Сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки», «Сайловлар ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли», «Сайлов участкаларидаги тиббиёт, она ва бола ҳоналарининг жиҳозланиши ва улар фаолиятини йўлга қўйиш», «Сайлов участкаларида ҳавфсизлик чораларини таъминлаш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда сайловга тайёргарлик жараёни хусусида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳоли, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёшларнинг сайлов қўнунчилиги ҳақидаги билим ва тушунчаларини оширишга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари юзасидан фикр алмашилди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

АМНИСТИЯГА ОИД ҚАРОР ИЖРОСИДА СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан шу йил 12 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ғозиев, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Х.Ҳалимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев ва бошқалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Амнистияга оид қабул қилинган қарор давлатимизнинг бу борада олиб бораётган юксак инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсатининг мантиқий давомидир. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлаш борасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос эди.

Қарорда айрим тоифадаги шахсларни жиноий жавобгарликдан, баъзиларини жазодан озод қилиш билан бирга озодликдан маҳрум қилиш жазосига

катта масъулият юклайди. Чунки амнистия ақтининг моҳиятида давлатимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсати муҳимаси бўлиб, уни тўлиқ рўёбга чиқариш ҳар бир судьядан алоҳида масъулият талаб этади.

Қарор ижросини таъминлаш жараёнида очиқ-ошкораликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя этилиши учун парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Тадбирда амнистия тўғрисидаги қарор ижросини аниқ ва бир йилда таъминлаш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев шу йил 21 октябрь куни имзолаган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ижросига доир масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Йигирма беш йилдирки, Қирғизистон Республикаси ҳақон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, мустақил давлат сифатида ташқи ва ички сиёсатни олиб бормоқда. У БМТ ва кўплаб халқаро ташкилотлар сафидан муносиби ўрин олди. Мамлакат иқтисодиёти, маънавий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Саноат, энергетика, тоғ-кон захираларини қайта ишлаш борасида ютуқларга эришди.

Аммо турли сиёсий гуруҳлар томонидан «демократик тамойиллар», «сўз эркинлиги» каби тушунчаларга турлича талқин берилиши оқибатида ички сиёсатда мамлакат учун мураккаб, баъзида таҳликали воқеалар юз берди. Бугун эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилган хатоларни ошқорлаш билан, ундан тўғри хулоса чиқарилаётгани мамлакат ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилашда ижобий натижа бераётди.

3

■ Номзодларнинг ҳар бири республикаимиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади.

НОМЗОДЛАРГА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛАДИ

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун видеоконференцалоқа шаклида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловда ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ, Президентлик номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди ва таъминланади.

Хусусан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва иштакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловда дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, Тошкент телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газеталарда ҳам бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.



Сенатор ШОТЎЛТАНОВ олган суратлар.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикаимиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Шунингдек, республикаимизнинг 36 та электрон мониторинг ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Эътиборли жиҳати, сайлов тажрибамизда биринчи марта «Овози тожик», «Нурлы жол» газеталари нашр майдонларидан ҳам номзодлар

ташвиқоти учун фойдаланишга қарор қилинди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан яқиндан танишиш имкониятини янада кенгайтиради.

Президентликка номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловда ташвиқот материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилашади.

Таъкидлаш жоизки, сайловда ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш та-

моилили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмади. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифинг давомида сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9378 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган.

Ўз мухбиримиз.

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан йўлга қўйилган «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» лойиҳаси ҳудудларда муваффақиятли давом этмоқда. Тошкент вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ушбу лойиҳа доирасида Янгийўл туманида давра суҳбати ҳамда тиббий акция ўтказди.

«АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИҒИ»

лойиҳаси давом этмоқда

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган, — деди Республика репродуктив саломатлик маркази ходими Сурейё Жалолова. — Оналар ва болалар саломатлиги жамият мустақамлигининг кафолатидир. Соғлом авлодни вояга етказишда нафақат тиббиёт ходимлари, балки барча бирдек масъул эканини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, ҳаётини мисоллар орқали тушунтиришимиз лозим.

Маълумотларга кўра, юртимизда камолга етаётган болаларнинг тўқсон икки фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади. Лекин жойларда ечимини, қутаётган масалалар ҳам учраб турибди. Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тушуначасининг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш ишларида барча фаолларни бирдамликка чақирган бўлар эдим.



— Электорат вакиллари ўртасида мустақам оила қуриш шартлариغا бағишланган турли тадбирлар ўтказиш қилинади, — деди Тошкент вилоят партия кенгаши сектор мудири Гули Абдурахимова. — Олис ҳудудларда ҳам ҳамкор ташкилотлар вакиллари, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Жойларда опа-сингилларимизни ўйлантираётган масалаларни ўрганишга, уларнинг тақдирлари асосида назорат таҳлил ишларини амалга оширишга ҳаракат қилияпти.

Давра суҳбати давомида ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустақамлаш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилгани таъкидланди. Бу масалалар партия дастурий мақсадларига бевосита ҳамроҳ бўлиб, келгусида амалий ишларни қўйатириш бўйича тақдирлар ўртага ташланди.

Тадбир доирасида тумандаги «Эски Қовунчи» қишлоғи аҳолиси учун малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрик ўтказилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВ ШТАБИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши томонидан ҳам қизғин тайёргарлик кўриломоқда.

— Сайлов билан боғлиқ жараёнларнинг очик-ошкора, демократик руҳда ўтишини таъминлаш ўта муҳимдир, — деди вилоят кенгашидаги сайлов штаби раҳбари Акмал Асатов. — Сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талабларига мувофиқ амалга ошириляпти.

Тажрибадан аёнки, сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаол иштироки этишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, партия ташкилотларини ахборот-таҳлилий, ташвиқот-тарғибот, моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқаларни изчил йўлга қўйиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Бу жараён режа асосида давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиздан кўрсатилган номзоднинг Сайлов олдиди дастурини кенг оммага етказиш мақсадида жойларда ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва фаолларимизга ўтказиладиган тадбирларда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам вазифалар белгилаб олинган.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҚАТЪИЯТ электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, масъулият билан ёндашиш талаб этилмоқда.

Ҳаракат дастурида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни партия гуруҳларимизда ўрганиш, доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокама-сига олиб чиқиш бўйича амал-вазифалар ва уларни амалга ошириш муддатлари белгиланган. Хўш, бу борада жорий йилда қандай натижаларга эришилмоқда?

— Бугун таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда депутатлар, партия гуруҳлари фаолиятини қучайтириш ҳаёт талабига айланди, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Акмал Турсунбоев. — Бу борада уларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари кенгайтирилди. Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари аъзолари бундан самарали фойдаланишяпти. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли масалалар ўрганилиб, уларнинг ечими назоратга олинмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари томонидан 166 масала партия гуруҳлари, 101 масала доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилган. Шундан 69 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бунда электорат манфаатлари ҳимоясига, хусусан,

бандлик дастури, битирувчиларни ишга жойлаштириш, қонун ва қарорлар ижросини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи 26 партия гуруҳида таҳлил этилиб, депутатларимиз ташаббуси билан 19 ҳудудда доимий комиссия ҳамда 13 ҳудудда сессия муҳокама-сига олиб чиқилган. Натижада электорат манфаатларига хизмат қилаётган қарорлар қабул қилинишига эришилган.

Лекин шунини ҳам айтиш керакки, Ҳаракат дастури ижросида барча туман ва шаҳар Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари бирдек фаоллик кўрсатишмаяпти. Айрим масалалар фақат партия гуруҳларида кўриб чиқилиши билан чекланилмоқда. Ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти, депутатлардан бу ҳақда чуқур ўйлаб, керакли хулоса чиқариб олиш талаб этилади.

Муайян масалани тор доирада муҳокама қилиш билан унга оқилона ечим топиш қийин. Шунинг учун электорат манфаати билан боғлиқ ҳар бир масалани сессияда атрофлича кўриб чиқиш, пишиқ-пухта қарор қабул қилиш, унинг ижросини изчил назоратга олиш керак бўлади.

— Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиз гуруҳида 11 нафар депутат

фаолият олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Юлдуз Тўрақуллова. — Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалалар доимий комиссиялар йиғилишлари, сессияларга олиб чиқилляпти. Яқинда партияимиз гуруҳи «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини ўрганиб, шу ҳақдаги масалани шаҳар Кенгаши сессияси муҳокама-сига киритди. Шаҳримизда 111 та хусусий, 16 та давлат тасарруфидаги дорихона ва 33 та дорихона шохбаси фаолият юритади. Партияимиз гуруҳи аъзолари дорихоналар ишчи-ҳодимлари малакаси, маълумоти, дори воситаларини сақлаш ҳолатлари, уларнинг сифатини ўрганишди. Аниқланган камчиликлар сессия йиғилишида атрофлича муҳокама этилди. Аҳолини ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш юзасидан амалий ишларимизни янада қўлайлаштиришга эришмоғимиз лозим.

Хусусан, партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, алоҳида қўлаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини қучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор билан қарашимиз зарур. Ҳудудларда ушбу йўналишлардаги ҳолат-ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, зарур пайтда қатъият кўрсатишимиз лозим.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУЛОҲАЗА

Навоий шахрида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 7 мартаба бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Ушбу ярмаркаларда 438 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Уларнинг 214 нафари хотин-қизлардир.

Хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда

— 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6586 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди, — дейди **Навоий шаҳар бандликка қўмаклашиш маркази мутахассиси Хамидулла Уматов**. — Режа 101 фоизга ушбу йилда, жами 6625 иш ўрни яратилди. Ўз иш ўрнига эга бўлганларнинг 1590 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар айти кунда шахримиздаги сановат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд кўчаларида трамвай қатнови йўлга қўйилади

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан эълон қилинган ва ҳар йили кенг нишонланаётган 18 октябрь — Самарқанд кунда трамвай йўли барпо этишга киришилди.

Темир йўл вокзали ва Сиртепа массиви оралиғида узунлиги 6,4 километрдан иборат йўналишдаги биринчи босқичда трамвай қатнови келгуси йилнинг Наврўз байрамига қадар амалга оширилиши режалаштирилган.

Трамвай йўналишининг иккинчи босқичи Темир йўл вокзалидан «Сиб дехон бозори»гача, учинчи босқичи эса Кимёгарлар шаҳарчасига қурилади.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шу кунларда Баҳраинда футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати давом этмоқда. Афсуски, унда Жасур Абдураимов бош мураббийлигида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси чорак финалда эронликларга имкониятни бой берди.

Аслида футболчиларимиз яхши ўйин кўрсатишгаётган эди, улардан умидимиз катта эди. Аммо масъулиятли ўйинни бой бердик. Назаримда, бунга кўпроқ ҳимоядаги қўпол хатолар, ҳужумчиларнинг сустқашлиги ва жўртасизлиги сабаб бўлди. Ҳар доимгидек гол кутдик, гол урадиган азамат топилмади. Ўйинчиларимизда майдонда тез югуриш, тез фикрлаш, тез очилиш, тўпни тез ошириш, голга ташналиш, масъулиятли зиммасига олиш этишмаётгандек туюлди. Тўғри, футболчиларимиз галаба ҳақида ўйлашган, аммо оғзининг ўзи билан мақсадга етиб бўлмади. Бунинг учун айнан куч-ғайрат, тезкор ҳужум, кутилмаган комбинациялар керак бўлади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқда.

Осиё чемпионатида мезбонлар — баҳрайликларни енгиб, жаҳон



чемпионати йўлланмасини қўлга киритган вьетнамлик футболчилар иродаси, жасоратига қўйил қолдик. Улар ниманинг ҳисобидан бундай галабага эришди, мураббий ким, тайёргарликни қаерда, қандай ўтказишди? Илғор тажрибачиларга қизиқайлик, ўрганайлик! Керак бўлса, селекция ишларини такомиллаштирайлик, хориждан бир йилга эмас, камида 3-4 йилга аниқ талаб билан мураббий чакрайлик. Қачонгача армонда юрамиз?!

Энди бутун умидимиз миллий терма жамоамиздан. Қўрға бу сафар ҳам қўлай келди. Энди ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Умуман олганда, терма жамоамиз биринчи даврани

яхши ўтказаяпти — тўққиз очко! Гўруҳда иккинчи ўрин ёмон натижа эмас. 15 ноябрда Жанубий Корея футболчилари билан курашга дадил киришиб, очко олишимиз керак. Кейин кишбўйи ҳар қачонгидан-да қаттиқ тайёрланиш зарур бўлади. Жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиш учун имкониятимиз етарли. Фақат ишонч билан курашмоқ даркор. Биз муҳлислар футболчиларимизни доим қўллаб келганмиз, қўллаверамиз.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи.

ИСТЕЪДОД

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўз иқтидорини намойиш қилиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Ғамхўрлик ва эътибордан кўч олган ёшлар ҳаётга катта эзгу орзулар билан кириб келмоқда.

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Бону Насриддинова ҳам юртимизнинг бахтли қизларидан бири. У Қўйраб туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфда ўқийди. Шу билан бирга, графика ва рангтасвир йўналишида ижод қилади. Ёш бўлишига қарамай, ўз асарлари билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда, совринларни қўлга киритмоқда. Остона шаҳрида тасвирий санъат йўналишида бўлиб ўтган халқаро фестивалда биринчи даражали диплом, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган фестивалда 3-даражали диплом билан тақдирланди.

Унинг «Улоқда», «Менинг мактабим», «Хонадон», «Настарин», «Куз манзаралари», «Баҳор гуллари», «Қорасоч лари» сингари кўплаб асарлари мамлакат миқёсида ўтказилган «Камалат юлдузлари», «ART WAX», «Юксак маънавиятли авлод — 2016» танловларида мутахассислар ва санъат ихлосмандлари томонидан юқори баҳоланди.

— Хали кўп ўқимам, изланишим керак, — дейди Бону Насриддинова. — Юртимизнинг гўзал манзаралари, меҳрибон одамларнинг суратларини чизишни ёқтираман. Бу йил санъат йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод сифатида ушбу танловда иштирок этиб, голиб бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман.

Қувонарлиси, Бону Насриддиновага ўхшаш минг-минглаб ёш авлод вақиллари ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ,
журналист.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

кўлами кенгаймоқда

Мижозларга замонавий хизматларни жорий этиш орқали қўшимча қўлайлик яратиш «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Натижада пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, маблағларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, илғор технологияларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоби янада ривожлантириш, депозит тўловларини узлуксиз таъминлашга эришилаётди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, амалиётга жорий этилган омонат турлари сони 35 тага етказилди. Уларнинг 25 тасига миллий валютада, қолганларига хорижий валюталарда маблағлар қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида миллий валютада муддатли «Ёрқин келажак», «Соғлом авлод учун», «Юқори даромад», «Омад», шунингдек, жамғармалари «Имконият» омонат турлари жорий қилинганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Молия муассасаси томонидан намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларнинг сотиб ололмоқчи бўлганлар учун бошланғич бадални йиғишга мўлжалланган бир қатор омонатлар ҳам тақдир этилаётди. Уларнинг афзалликлари қўлғи боис маблағ қўйдиганлар тобора ортаёпти. Масалан, «Қурилишга бошланғич бадал» омонатига ҳисобланган фоизлар «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси ҳисоб рақамига ёки омонатчининг талаб қилиб олинганча омонат ҳисоб рақамига кўчирилади. «Мадад» омонат турида эса омонатчи шартнома муддати тугагунга қадар қилинган шартлар асосида омонат асосий суммасини нақд пул шаклида олиши, бошқа омонат турига нақдсиз равишда расмийлаштириши ёки бошқа банк муассасасига ўтказиш ҳам мумкин. Унинг яна бир мақбул жиҳати, фоизлар ҳар ойда омонатчининг ипотека кредити ҳамда фоиз тўловларига йўналтирилади.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан жорий этилган миллий валютадаги муддатли «Мустақил юртим» ва хорижий валютадаги (АҚШ доллари) муддатли «Комфорт» омонатларига ҳисобланган



фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Албатта, кўрсатилаётган хизматлар сифати охиби боргани сари аҳолининг банкка бўлган ишончи ҳам мустаҳкамланаяпти. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўра, жами омонатчиларимиз сони 76 минг нафардан охиби, уларнинг банкдаги қўйилмалари 213,1 миллиард сўмни

ташқил этгани, бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 36,9 миллиард сўмга ёки 121 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Ҳозирги кунда жамғарма кассаларида омонатчи билан банк ўртасида тузилдиган шартномалар, кириш ва чиқим ордерлари автоматлаштирилган тизим орқали чоп этилаётгани, омонатчиларга маблағлари тўғрисида маълумот олиш учун «SMS-омонат» хизмати йўлга қўйилгани миқозларнинг вақтин тейжада қўл келаяпти.

Шу билан бирга, банкка қўйилган омонатлар сир туттириб, мерос ҳуқуқи билан ҳимояланган. Гап шундаки, депозитлар бўйича операциялар банк сирли сифатида таснифланиб, унга қатъий риоя қилинади. Омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатда эгасининг биринчи талабидеҳ

омонатлар билан боғлиқ операцияларнинг миқозлар иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахсининг бармоқ излари намунасида фойдаланиш — «Биометрик идентификациялаш» тизими жорий қилингани эътиборга молик. Бу технологиянинг муҳим жиҳати шундаки, омонат ҳисоббаракларидида маблағлар билан боғлиқ операцияларнинг унинг эгасисиз бажарилишининг имкони йўқ. Қолаверса, у омонат маблағларига нисбатан банк ҳодимларининг дахлсизлигини ҳам таъминлайди. Айни пайтда мазкур тизим банкнинг барча минтақавий филиалига ўрнатилган бўлиб, улар орқали миқозларга ишончи ва сифатли хизмат кўрсатилаётди. — Бир неча йилдан буён бўш пул маблағларимни



Хизматлар лицензияланган.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг омонат турларидан бирида сақлаб келаман, — дейди Тошкент шаҳар минтақавий филиали шўхози Нигора Бўронова. — Ҳар ойда қўйилган жамғарма учун фоизларни ўз вақтида олаёяман. Энг муҳими, омонат ҳисоббараклари, депозит сертификатлари бўйича бериладиган даромад ва ютуқлар барча турдаги солиқлардан озод

Qishloq Qurilish Bank

қўлайлик яратди. Ушбу хизмат ёрдамида миқоз кўннинг исталган вақтида банк мутахассисларига мурожаат этмаган ҳолда, «Қишлоқ қурилиш банк»дан олинган кредитлари тўловларини мустақил амалга ошириши мумкин.

Қолаверса, бугунги кунда банкда «UZKART-EMV» тўлов тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, терминаллар тармоғини кенгайтириш, «online» режимида ишловчи «Smart-vista» пластик картчаларни муомаласини жадаллаштириш, улар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида муайян ишлар бажарилаётган. Айни вақтда 18330 нафар миқоз «SMS-banking», 2816 нафар миқоз «Internet-banking» каби хизматлардан фойдаланаяпти. Шу кунларда эса банк ўз миқозларига янги — «P2P» хизмати тақдим этди.

«P2P» — бир жисмоний шахсининг пластик картчасидан иккинчи шахс пластик картчасига махсус сайтлар, мобил иловалар орқали маблағларни ўтказиш демакдир. Бу тизим ёрдамида жисмоний шахс кўннинг исталган вақтида ўз пластик картчасидан бошқа кишининг пластик картчасига пул ўткази олади.

Банк пластик картчаларидан фойдаланувчиларга қўлайликлар яратишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилаётгани қўл келаяпти. Масалан, айни пайтда банкда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги билан ҳамкорликда бюджет ташкилотлари ҳодимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини пластик картчаларга ўтказишда «ЎзАСБО» дастури ёрдамида «Электрон қайдонома» тизими тўлиқ йўлга қўйилган. Ушбу ишларнинг давоми сифатида Молия вазирлиги ҳузурида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг «Пенсия» дастурий мажмуаси ва банкнинг «ИАБС» дастури ўртасида электрон маълумотлар айирбошлаш механизмига асосан, пенсия

тўловлари пластик картчкаларга автоматик тарзда ўтказилапти.

Пластик картчка эгалари учун яратилган енгилликлардан яна бири, жисмоний шахсларнинг пластик картчка ҳисобварағида қолдиқ маблағларига Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаш ставкаси миқдориди (ҳозирги кунда 9 фоиз) устам ҳисобланишидир.

Бундан ташқари, эндиликда пластик картчалар (иш ҳақи, нафақа, стипендия ва оилавий картчалар, шу жумладан, корпоратив картчалар)нинг фойдаланиш муддати тугагани учун қайта эмиссия қилишда (алмаштиришда) хизмат ҳақи ундирилмаслиги белгиланган бўлибди. Шу билан бирга, банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахсининг пластик картчасидаги маблағлар бошқа бир жисмоний шахс пластик картчасига ўтказилганда ёки кириб қилинганда ҳам банк хизмати ҳақи ундирилмайди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланишига кўпроқ жалб қилиш билан бирга, миқозларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш ҳамда замонавий технологияларга асосланган янги хизмат турларини жорий қилиш, пластик картчалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан кўрсатилаётган чора-тадбирлар келгусида ҳам изчил давом эттирилавермакдир. Зеро, жорий йилнинг май ойида «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги «Қишлоқ қурилиш банк» рейтингини тасдиқлаб, контрагент ризиқини баҳолаш рейтинг, хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг узок муддатли рейтингини B2/NP, банкнинг барча рейтинг прогнозини «Барқарор» деб баҳолагани бежиз эмас.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси замонавий ва қўлай хизматлар кўрсатиш орқали республика миқоз-банк тизимидаги ишловларда фаол қатнашишда давом этади.

Банк ахборот хизмати.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
1918
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:10
Topshirilgan vaqti — 22:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6